

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САДИКОВ РУСТАМЖОН ТОХИРОВИЧ

БЎЛАКЛИ БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН ҒОВАК МУҲИТДА
СУЮҚЛИКЛАР ФИЛЬТРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва
дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Садиков Рустамжон Тохирович

«Бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак мухитда суюқликлар фильтрация
жараёнларини математик моделлаштириш». 3

Садиков Рустамжон Тохирович

«Математическое моделирование процессов фильтрации жидкостей в
кусочно-неоднородной пористой среде» 21

Sadikov Rustamjon Toxirovich

«Mathematical modeling of filtration processes of liquids in a piecewise
inhomogeneous porous medium» 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САДИКОВ РУСТАМЖОН ТОХИРОВИЧ

БЎЛАКЛИ БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН ҒОВАК МУҲИТДА
СУЮҚЛИКЛАР ФИЛЬТРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва
дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Г2089 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Назирова Элмира Шодмоновна
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Равшанов Нормухмад
техника фанлари доктори, профессор
Жабборов Насриддин Мирзоодилович
физика-математика фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот: Тошкент давлат транспорт университети


Диссертация ҳимояси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» 12 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).


Диссертация билан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (231 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44.

Диссертация автореферати 2021 йил «9» декабр кuni тарқатилди. (2021 йил «01» декабр даги 40 рақамли реестр баённомаси.)




Р.Х. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор


Ф.М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, доцент


Ш.А. Садуллаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
физика-математика фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда нефть ва газ саноатини ривожлантиришда олиб борилаётган илмий, илмий-амалий тадқиқотлар куннинг долзараб масалаларидан ҳисобланиб келмоқда. Бу соҳада нефть ва газ конларининг янгиларини излаб топиш ва мавжуд конларнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, қазиб олинаётган нефть ва газ маҳсулотлари ҳажмини ошириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари, математик моделлар ва самарали сонли алгоритмлар ҳамда дастурий таъминотларни ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда. Бундай масалаларнинг математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш муаммосига АҚШ, Канада, Франция, Хитой, БАА, Эрон, Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа шу каби ривожланган мамлакатларда ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда нефть ва газ конлари ишлаши ҳамда уларни қазиб олиш жараёнида бир жинсли бўлмаган қатламларда нефть ва газларнинг мураккаб филтрланиш жараёнини тадқиқ қилишда келиб чиқадиган масалаларни ечишни математик моделлари, самарали сонли алгоритмлари ҳамда дастурий таъминотларини ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда ҳам нефть ва газларнинг ғовак муҳитда фильтрация масаласи учун кўплаб математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминотлар яратишга эътибор катта бўлиб қолмоқда. Бу эса шуни кўрсатадики, кўп қатламли нефть ва газ конларининг ғовак муҳитларида бўладиган мураккаб жараёнларини тадқиқ қилиш ва башорат қилиш имконини берувчи математик моделлар, сонли натижаларни таҳлил қилиш ҳамда визуал икки ва уч ўлчамли график ва анимация формаларида тақдим этувчи компьютерли моделлар яратиш ҳисоблаш алгоритмларини такомиллаштириш куннинг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, ўзаро динамик алоқага эга кўп қатламли муҳитларда суюқликлар ностационар жараёнларининг такомиллаштирилган математик моделларини, самарали сонли ҳисоблаш алгоритмларини ва дастурий мажмуаларини ишлаб чиқиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Республикамизда ҳам нефть ва газ саноатини ривожлантиришда янги конларни излаб топиш, нефть ва газ конларида мониторинг тизимини жорий этиш, мавжуд конларнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, қазиб олинаётган нефть ва газ маҳсулотлари ҳажмини ошириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари учун математик моделлар, самарали сонли алгоритмлар ҳамда дастурий таъминотларни яратиш бўйича тадқиқот ишларини олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «...иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари, жумладан, нефть ва газ саноати ҳам ашё захирасини кўпайтириш, ... , нефть ва газ конларидан фойдаланишнинг геодинамик жараёнларга таъсирини аниқлаш, нефть ва газ конларидан фойдаланиш билан боғлиқ прогнозлаш

имкониятини яратиш»¹ вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда замонавий ахборот технологиялар асосида тадқиқ қилинаётган жараёнга таъсир қилувчи турли хил омилларни ҳисобга олган ҳолда математик моделлаштириш, ҳисоблаш тажрибаларини ўтказишнинг самарали алгоритми ва дастурий мажмуаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, нефть-газ саноати соҳасида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 25-ноябрдаги 746-сон қарори «Нефть ва газ конларини ўзлаштиришнинг сейсмогеодинамик жараёнларга таъсирини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарорларида ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суюқлик ва газлар фильтрацияси жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, шунингдек уларнинг яқинлашувчи-аналитик ечимларини куриш ва сонли усулларда ечишга бағишланган тадқиқот ишлари бир қанча чет эл олимлари Х.Азиз, Э.Сеттари, N.B.Lopuh, A.Monteiro, S.Banerjee, G.I.Barenblatt, M.Chraibi, V.F.Piven, F.Boyer, C.Lapuerta, S.Minjeaud, A.X.Мирзаджанзаде, М.М.Хасанов, Б.Б.Лапук, К.С.Басниев, С.Н.Закиров, Д.Ж.Ахмед-Заки, А.В.Ахметзянов, А.Никифоров, А.В.Цепаев ва бошқа хорижий олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон Республикасида ғовак муҳитларда суюқлик ва газлар фильтрацияси жараёнларининг математик моделлари, ҳисоблаш усуллари ва шу каби тадқиқотларга В.Қ.Қобулов, Ф.Б.Абуталиев, Ж.Ф.Файзуллаев Н.М.Муҳидинов, Р.Садуллаев, А.Бегматов, Б.Х.Хўжаёров, М.Арипов, Н.Равшанов, У.С.Назаров, Ш.Каюмов, Я.Ярбеков, А.Мирзаев, А.Неъматов, Э.Ш.Назирова ва бошқа олимлар ўзларининг катта хиссаларини қўшганлар.

Бу соҳадаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ғовак муҳитда кучли ўзгарувчан коэффицентли суюқликларнинг фильтрация чегаравий масалалари, сустр ўтказувчан қатламга эга бир – бири билан ўзаро боғланган бир жинсли бўлмаган кўп қатламли нефть конларининг ностационар ҳаракатланиш жараёнлари ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг № А5-019 сонли «Ғовак муҳитлардаги сақлаш ва қуритиш жараёнларида иссиқлик ва масса алмашинуви масалаларининг ахборот ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш» (2015-2017), БВ-Атех-2018 (399+487) «Гидрогеологик жараёнларни уч ўлчовли моделларини тузиш ва икки компонентли муҳитда диффузион жараёнларни сонли моделлаштириш учун амалий дастурлар пакетини яратиш» (2018-2020) ҳамда ФЗ-202009261 «Ғовак муҳитларда суюқлик ва газларни аномаль филтрлаш жараёнини тадқиқ этиш учун гидродинамик моделлар ва самарали сонли алгоритмлар яратиш» (2020-2022) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Суюқликларнинг бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитли қатламларда ҳамда ўзаро динамик алоқага эга кўп қатламли нефть конларида ностационар филтрация жараёнларининг математик моделлари, уларнинг сонли усуллари ва самарали ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, шу билан бирга ҳисоблаш тажрибалари сонли натижаларини визуал формада икки (2D) ва уч ўлчамли (3D) графикларда тақдим этишнинг дастурий мажмуасини яратиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суст ўтказувчан қатламларга эга ўзаро динамик алоқали бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитда суюқликлар ностационар филтрация жараёнлари математик моделларини қуришда фойдаланиладиган ахборот моделларини шакллантириш;

суст ўтказувчан қатламларга эга ўзаро динамик алоқадаги ғовак муҳитли тизимда нефтнинг ностационар филтрация жараёни математик моделини ишлаб чиқиш;

динамик алоқадаги уч қатламли ғовак муҳитда нефтнинг ностационар филтрация чегаравий масаласини қўйиш, сонли моделлаштириш ва ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитли қатламда икки ўлчовли нефть филтрация чегаравий масаласини қўйиш, сонли моделлаштириш ва ечишнинг ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

ҳисоблаш жараёнини бошқариш учун бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитларда қатлам ўтказувчанлик коэффициенти ва нефть филтрация соҳасининг ахборот таъминотини ишлаб чиқиш;

нефть конлари ишлаши асосий кўрсаткичлари бўйича тадқиқот ва таҳлил қилиш учун ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш;

филтрация соҳаси бир жинсли бўлмаган нефть конлари ишлашининг асосий кўрсаткичлари бўйича ҳисоблаш тажрибаларини ўтказишда сонли натижаларни визуал формада тақдим этиш асосида мониторинг ва башорат қилиш дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитли қатламда нефтнинг филтрация жараёни қаралган.

Тадқиқот предметини бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитли қатламда суюқликлар фильтрация жараёни математик моделлари, ечиш алгоритмлари ва дастурий мажмуаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида математик моделлаштириш ва ҳисоблаш математикасининг сонли усуллари, дискрет соҳанинг ахборот массивини қуриш ҳамда дастурлаш технологиялари услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суст ўтказувчан қатламларга эга ўзаро динамик алоқадаги нефть конлари тизими учун фильтрация жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган;

динамик алоқадаги уч қатламли ғовак муҳитда нефть ностационар фильтрация чегаравий масаласини ечишнинг сонли усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитли қатламда нефть фильтрация масаласи икки ўлчамли математик модели учун сонли модель ишлаб чиқилган;

бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитда нефть фильтрация чегаравий масаласини ечишнинг ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суст ўтказувчан қатламларга эга ўзаро динамик алоқадаги кўп қатламли нефть конлари ишлаши асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш алгоритми асосида дастурий мажмуа ишлаб чиқилди ва компьютерда ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди;

фильтрация соҳаси бўлакли бир жинсли бўлмаган нефть конлари ишлаши асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш алгоритмлари асосида дастурий мажмуа ишлаб чиқилди ва компьютерда ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди;

ҳисоблаш тажрибаларини ўтказишда сонли натижаларни визуал формада тақдим этишнинг мониторинг ва башорат қилиш дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Масса ва импульснинг сақланиш қонунлари, суюқликлар механикаси қонунлари, Дарси қонуни, ҳисоблаш математикасининг тасдиқланган усуллари, шунингдек олинган натижаларни сифат ва миқдорий баҳоланганлиги билан асосланади, кўриб чиқиладиган жараёнлар учун ишлаб чиқилган математик мажмуанинг адекватлиги ҳисоблаш тажрибаларини ўтказишда моддий баланс тенгламаси ёрдамида текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Натижаларнинг илмий аҳамияти ғовак муҳитларда кучли ўзгарувчан коэффициентли суюқликларнинг фильтрация чегаравий масалалари, суст ўтказувчан қатламга эга бир – бири билан ўзаро боғланган бир жинсли бўлмаган кўп қатламли нефть конлари ностационар фильтрация жараёнларининг математик моделлари, бир ва икки ўлчовли фильтрация масалаларини ечишнинг аниқ ва самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган математик моделлар ва алгоритмлар ҳамда дастурий маъжмуа Ўзбекнефтгаз саноатида қўлланилиши мумкин, шунингдек суюқлик ва газ фильтрацияси мураккаб ностационар жараёнларининг математик моделларини, икки ва уч ўлчовли фильтрация масалаларини ечишнинг самарали ҳисоблаш алгоритмларини амалиётга тадбиқи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган алгоритмлар ва яратилган дастурий мажмуа асосида:

ғовак муҳитда суюқликларнинг икки ўлчамли филтрланиш жараёнини сонли моделлаштириш натижасида ишлаб чиқилган «Бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитда суюқликлар фильтрацияси жараёнини компьютерли моделлаштириш» дастурий мажмуа Сардоба темир йўл агросаноат унитар корхонасига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 3 ноябрь 33-8/7764-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ҳисоблашга кетган вақтни 8-10 бароварга қисқартириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини эса 15% га ошириш имконини берган;

бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитда суюқликлар фильтрацияси жараёнини компьютерли моделлаштириш асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Рақамли технологиялар маркази» унитар корхонасига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 3 ноябрь 33-8/7764-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида дастурий мажмуанинг синов тариқасида тадбиғи ҳисоблаш натижаларидаги аниқликни 5-7 % гача ошириш ва ҳисоблашга кетган вақтни эса 80-85% гача қисқартириш имконини берган;

бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитда суюқликлар фильтрацияси жараёнини компьютерли моделлаштириш асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа «Газли нефть газ қазиб чиқариш бошқармаси» объектларига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 3 ноябрь 33-8/7764-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида нефть–газ конларининг ишлаш самарадорлигини 7-10 % га оширишга эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 2 та хорижий ва 3 та республика журналларида нашр қилинган, шунингдек ЭҲМ учун дастурий маҳсулот қайд этилганлиги ҳақида 4 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб ҳажми 115 бет, 50 та расм ва 2 та жадвални ҳам ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ғовак муҳитда суюқликлар ҳаракатини математик моделлаштириш муаммолари ва масалалари**» деб номланган биринчи бобнинг биринчи параграфида ғовак муҳитларда суюқликларнинг ҳаракати жараёнини математик моделини қуриш масаласи келтирилган. Иккинчи параграфда бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитли қатламларда суюқликларнинг фильтрация жараёнларини тадқиқ қилишда математик моделлаштириш ҳолати ва роли ўрганиб чиқилган. Учинчи параграфида бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитли қатламда суюқликлар фильтрация масалалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўп қатламли ғовак муҳитларда нефтнинг ностационар фильтрация жараёнини математик моделлаштириш**» номли иккинчи бобида уч қатламли ғовак муҳитларда суюқликлар фильтрацияси жараёнининг математик моделини тузиш, чегаравий масалани ечишнинг сонли усули ва ечиш алгоритмларини ишлаб чиқиш қаралган.

Суст ўтказувчан оралиқ қатламларга эга бўлган бир жинсли бўлмаган уч қатламли ғовак муҳитда нефтнинг фильтрация жараёни, математик модели учта параболик типдаги дифференциал тенгламалардан иборат қуйидаги тенгламалар тизимидан ташкил топади.

$$\begin{cases} \frac{\partial}{\partial x} \left[K_1(x)h_1(x) \frac{\partial P_1}{\partial x} \right] = \mu\beta h_1(x) \frac{\partial P_1}{\partial t} - \frac{K_{п1}(x)}{h_{п1}(x)}(P_2 - P_1) \\ \frac{\partial}{\partial x} \left[K_2(x)h_2(x) \frac{\partial P_2}{\partial x} \right] = \mu\beta h_2(x) \frac{\partial P_2}{\partial t} + \frac{K_{п1}(x)}{h_{п1}(x)}(P_2 - P_1) - \frac{K_{п2}(x)}{h_{п2}(x)}(P_3 - P_2) + Q(t) \\ \frac{\partial}{\partial x} \left[K_3(x)h_3(x) \frac{\partial P_3}{\partial x} \right] = \mu\beta h_3(x) \frac{\partial P_3}{\partial t} + \frac{K_{п2}(x)}{h_{п2}(x)}(P_3 - P_2), \quad 0 < x < L; t > 0. \end{cases} \quad (1)$$

Масаланинг бошланғич ва чегаравий шартлари қуйидагича:

$$P_1(x, t_0) = P_{1H}(x), \quad P_2(x, t_0) = P_{2H}(x), \quad P_3(x, t_0) = P_{3H}(x); \quad (2)$$

$$-K_1h_1 \frac{\partial P_1}{\partial x} \Big|_{x=0} = \alpha(P_A - P_1); \quad -K_2h_2 \frac{\partial P_2}{\partial x} \Big|_{x=0} = \alpha(P_A - P_2); \quad -K_3h_3 \frac{\partial P_3}{\partial x} \Big|_{x=0} = \alpha(P_A - P_3); \quad (3)$$

$$K_1 h_1 \frac{\partial P_1}{\partial x} \Big|_{x=L} = \alpha (P_A - P_1); \quad K_2 h_2 \frac{\partial P_2}{\partial x} \Big|_{x=L} = \alpha (P_A - P_2); \quad K_3 h_3 \frac{\partial P_3}{\partial x} \Big|_{x=L} = \alpha (P_A - P_3); \quad (4)$$

$$Q(t) = \sum_{i_q=1}^{N_q} q_{i_q}(t) \delta(x - x_{i_q}); \quad i_q = 1, \dots, N_q \quad (5)$$

Бу ерда δ – Дирак дельта функцияси; P_1, P_2, P_3 – қатламлардаги босим; P_A – чегарадаги босим; P_{1H}, P_{2H}, P_{3H} – қатламлар бошланғич босими; μ – нефть қовушқоқлиги; K_1, K_2, K_3 – қатламлар ўтказувчанлик коэффициентлари; k_{n1}, k_{n2} – суфт ўтказувчанлик қатлам коэффициентлари; h_1, h_2, h_3 – қатламлар қуввати; β – эластиклик коэффициенти $\beta = (\beta_c + m\beta_n)$; β_H – нефтнинг сиқилиш коэффициенти; β_c – қатламнинг сиқилиш коэффициенти; m – қатламлар ғовақлик коэффициенти; $q_{i_q} - i_q$ – чи қудук дебити; L – қатлам узунлиги; N_q – қудуклар сони.

Кўйилган (1)-(5) чегаравий масалани ечиш учун унинг сонли моделини ишлаб чиқамиз, бунда чекли айирмалар усулини қўллаيمиз. Бунинг учун x ўқида $0 \leq x \leq 1$ ва вақт $0 < t < T$ қуйидаги тўрни қурамиз

$$\omega_{x\tau} = \{x_i = i\Delta x; i = \overline{1, n}; \tau_l = l\Delta\tau; l = \overline{0, 1, 2, \dots, N_\tau}; \Delta\tau = \frac{T}{N_\tau}\}.$$

Дискрет соҳада тенгламалар тизимини чекли айирмалар тенгламалар тизимига келтирамиз.

$$\begin{cases} a_i P_{1i-1} - b_i P_{1i} + c_i P_{1i+1} + d_i P_{2i} + e_i P_{3i} = -f_i; \\ a_i' P_{2i-1} - b_i' P_{2i} + c_i' P_{2i+1} + d_i' P_{1i} + e_i' P_{3i} = -f_i'; \\ a_i'' P_{3i-1} - b_i'' P_{3i} + c_i'' P_{3i+1} + d_i'' P_{2i} + e_i'' P_{1i} = -f_i''; \end{cases} \quad i = \overline{1, n-1}. \quad (6)$$

Чекли айирмалар тизимини ечиш учун ҳайдаш усулини қўллаимиз. Ҳайдаш усули қондасига кўра ечимларни қуйидагича ёзиш мумкин:


$$\begin{cases} P_{1i} = A_i P_{1i+1} + B_i P_{2i+1} + C_i P_{3i+1} + D_i; \\ P_{2i} = A_i' P_{2i+1} + B_i' P_{1i+1} + C_i' P_{3i+1} + D_i'; \\ P_{3i} = A_i'' P_{3i+1} + B_i'' P_{2i+1} + C_i'' P_{1i+1} + D_i''; \end{cases} \quad i = \overline{n-1, 0}. \quad (7)$$

Ҳайдаш усули коэффициентларини аниқлаш учун (6)-(7)дан фойдаланиб қуйидаги тенгламалар тизимини ёзамиз.


$$\begin{cases} a_i P_{1i-1} - b_i P_{1i} + c_i P_{1i+1} + d_i P_{2i} + e_i P_{3i} = -f_i \\ P_{1i-1} = A_{i-1} P_{1i} + B_{i-1} P_{2i} + C_{i-1} P_{3i} + D_{i-1}, \\ a_i' P_{2i-1} - b_i' P_{2i} + c_i' P_{2i+1} + d_i' P_{1i} + e_i' P_{3i} = -f_i', \\ P_{2i-1} = A_{i-1}' P_{2i} + B_{i-1}' P_{1i} + C_{i-1}' P_{3i} + D_{i-1}', \\ a_i'' P_{3i-1} - b_i'' P_{3i} + c_i'' P_{3i+1} + d_i'' P_{2i} + e_i'' P_{1i} = -f_i'', \\ P_{3i-1} = A_{i-1}'' P_{3i} + B_{i-1}'' P_{2i} + C_{i-1}'' P_{1i} + D_{i-1}''. \end{cases} \quad (8)$$

Бу тенгламалар тизимидан A_i, B_i, C_i, D_i ; A'_i, B'_i, C'_i, D'_i ; $A''_i, B''_i, C''_i, D''_i$ ҳайдаш коэффициентлари топилади. Ҳайдаш усули коэффициентлари бошланғич қийматлари чегаравий шартлардан аниқланади.

Иккинчи бобнинг 2.3, 2.4 параграфларида чегаравий масаланинг ечишининг ошкор ва ошқормас схемалари учун алгоритмлар ва ҳисоблаш тажрибалари келтирилган. Ҳисоблаш тажрибалари 1, 2 ва 3 та марказда жойлашган қудуқларнинг ва қатлам ўтказувчанлик коэффициентлари ҳамда суғ ўтказувчанлик қатламлар коэффициентларининг турли қийматларида ўтказилган.



1-расм. Иккинчи қатлам марказида битта қудуқ бўлганда барча қатламларда босим тарқалиши ва қудуқда босим тушуши. ($K_1=0.1$; $K_2=0.3$; $K_3=0.1$; $K_{П1}=0.0001$; $K_{П2}=0.0002$)



2-расм. Иккинчи қатламда иккита симметрик қудуқлар бўлганда барча қатламларда босим тарқалиши ва қудуқда босим тушуши. ($K_1=0.1$; $K_2=0.3$; $K_3=0.1$; $K_{П1}=0.0001$; $K_{П2}=0.0002$)

Ўтказилган барча ҳисоблаш тажрибалари қудуқларининг ишлаш зонаси яқинида нефть оқими қатлам ўтказувчанлик коэффициентининг юқори

қийматларида силлиқ содир бўлишини кўрсатади, шунингдек суст ўтказувчан қатламлар қийматлари ошиши юқори ва пастки қатламларда босимнинг қудук зоналарида анча пасайиши кузатилади. Барча графиклардан кўриниб турибдики суст ўтказувчанлик қиймати ошиши босимнинг юқори ва пастки қатламларда тезроқ тушушига олиб келади.

Диссертациянинг учинчи «**Бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитли нефть қатламида фильтрация жараёнини математик моделлаштириш**» бобида бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитда суюқликлар фильтрация жараёнининг икки ўлчамли математик модели, масалани ечишда дифференциал-айирмали усули асосида сонли моделлаштириш ва ечиш алгоритми қаралган.

Бўлакли бир жинсли бўлмаган қатламда нефть фильтрация жараёни математик модели хусусий ҳосилалари параболик типдаги дифференциал тенглама кўринишида бўлади:

$$\beta \frac{\partial P}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{k(x, y)}{\mu} \frac{\partial P}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{k(x, y)}{\mu} \frac{\partial P}{\partial y} \right) - Q, \quad (x, y) \in G \quad (9)$$

бошланғич ва чегаравий шартлар куйдагича:

$$P(x, y, t) = P_H(x, y), \quad t = 0, \quad (10)$$

$$\frac{k(x, y)}{\mu} \frac{\partial P}{\partial n} = \alpha(P - P_A), \quad (x, y) \in \Gamma, \quad (11)$$

$$\oint_{s_{i_q}} \frac{k(x, y)}{\mu} \frac{\partial P}{\partial n_1} ds = -q_{i_q}(t), \quad (x, y) \in s_{i_q}, \quad i_q = \overline{1, N_q}. \quad (12)$$

$$Q = \sum_{i,j=1}^{N_q} \delta_{i,j} q_{i,j}, \quad \beta = m\beta_H + \beta_c, \quad k(x, y) = \begin{cases} k_1, & (x, y) \in G_1, \\ k_2, & (x, y) \in G_2, \\ \dots & \dots \dots \\ k_n, & (x, y) \in G_n. \end{cases}$$

Чегаравий масаладаги математик моделнинг бизга аниқ бўлган мавжуд математик моделлардан фарқли томони шундаки, бу ерда ўтказувчанлик коэффициенти k бўлакли бир жинсли қатлам учун тушунилади. Бунда ўтказувчанлик коэффициентини бўлакли бир жинсли бўлмаган функция деб караш мумкин.

Кўйилган чегаравий масалани сонли моделлаштириш учун (9)-(12) дифференциал айирмали усулдан фойдаланамиз. Бунинг учун кўйилган чегаравий масалани математик модель ва чегаравий шартларда ўлчамсиз ўзгарувчилар киритиб ўлчамсиз масалага келтирилади.

Ғовак муҳитда фильтрация жараёни чегаравий масаласини дифференциал - айирмалар кўринишга келтириш учун кўндаланг кесим схемасининг алгоритмик ғоясини дифференциал ҳайдаш усули учун ишлатамиз. Бу эса дифференциал ҳайдаш усулини ҳар бир координата ўқи йўналиши бўйича қўллашга имкон беради.

Тенгламининг дифференциал операторларини унга мос икки қатламли уч нуқтали чекли айирмали операторга мос қилиб алмаштирамиз

$$\begin{cases} \frac{\partial}{\partial x} \left(k_{ij} \frac{\partial P_j^{(l+0.5)}(x)}{\partial x} \right) - \frac{1}{0.5 \Delta \tau} P_j^{(l+0.5)}(x) = - \frac{P_j^{(l)}(x)}{0.5 \Delta \tau} - \Lambda [k_{ij} P_{ij}^{(l)}], \\ \frac{\partial}{\partial y} \left(k_{ij} \frac{\partial P_i^{(l+1)}(y)}{\partial y} \right) - \frac{R}{0.5 \Delta \tau} P_i^{(l+1)}(y) = - \frac{P_i^{(l+0.5)}(y)}{0.5 \Delta \tau} - \Lambda [k_{ij} P_{ij}^{(l+0.5)}]. \end{cases} \quad (13)$$

Бу ерда:

$$\Lambda [k_{ij} P_{ij}^{(l)}] = \frac{k_{i-0.5,j} P_{i-1,j}^{(l)} - (k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j}) P_{ij}^{(l)} + k_{i+0.5,j} P_{i+1,j}^{(l)}}{\Delta h^2},$$

$$\Lambda [k_{ij} P_{ij}^{(l+0.5)}] = \frac{k_{i,j-0.5} P_{i,j-1}^{(l+0.5)} - (k_{i,j-0.5} + k_{i,j+0.5}) P_{ij}^{(l+0.5)} + k_{i,j+0.5} P_{i,j+1}^{(l+0.5)}}{\Delta h^2},$$

$$k_{ij} = \frac{k_{ij}}{\mu}, \quad i = 1, 2, \dots, n, \quad j = 1, 2, \dots, n.$$

$P_{i,j}^{(l)} - l$ ва $P_{i,j}^{(l+0.5)} - l + 0.5$ -вақт қатламидаги босим функциялари.

Бу (13) чекли айирмали дифференциал тенгламалар тизими ҳар бир x_i ўзгарувчи йўналишида дифференциал ҳайдаш усулини қўллаган ҳолда бошланғич шартлар билан ечим $l+0.5$ вақт қатлами учун ечилади ва худди шундай $l+1$ қатламида ҳар бир y_j ўзгарувчи йўналишида ечилади. Бунда бошланғич шарт сифатида $l+0.5$ қатламида топилган ечим олинади.

Дифференциал ҳайдаш усули ғоясига асосланиб дифференциал айирмали масаланинг биринчи тенгламаси учун чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда умумий ечимини қуйидагича ёзиш мумкин

$$P_j(x) = \frac{\gamma_j(x) u_j(x) - \alpha_j(x) w_j(x)}{\alpha_j(x) v_j(x) - \beta_j(x) u_j(x)};$$

$$\frac{dP_j}{dx} = \frac{1}{k_j(x)} \cdot \frac{\gamma_j(x) v_j(x) - \beta_j(x) w_j(x)}{\alpha_j(x) v_j(x) - \beta_j(x) u_j(x)}, \quad j = 0, \dots, n. \quad (14)$$

Бу ерда $u(x)$, $v(x)$, $w(x)$ ва $\alpha(x)$, $\beta(x)$, $\gamma(x)$ дифференциал ҳайдаш усули ўнг ва чап коэффициентлари бўлиб, улар қуйидаги Коши масаласининг ечими сифатида топилади.

$$\begin{cases} k_j \frac{du_j}{dx} = v_j, & u_0 = k_1, \\ \frac{dv_j}{dx} = Q_{1j} u_j, & v_0 = \alpha, \\ \frac{dw_j}{dx} = R_{1j} u_j, & w_0 = \alpha P_A. \end{cases} \quad \begin{cases} k_j \frac{d\alpha_j}{dx} = \beta_j, & \alpha_n = k_n, \\ \frac{d\beta_j}{dx} = Q_{1j} \alpha_j, & \beta_n = \alpha, \\ \frac{d\gamma_j}{dx} = R_{1j} \alpha_j, & \gamma_n = \alpha P_A. \end{cases}$$

$$j = 1, 2, \dots, n. \quad j = n-1, n-2, \dots, 0.$$

$$Q_{1j} = -\frac{P_{i,j}^{(l)}(x)}{0.5\Delta\tau} - \Lambda [k_{i,j}P_{i,j}^{(l)}], \quad R_{1j} = \frac{1}{0.5\Delta\tau}.$$

Худди шундай, дифференциал ҳайдаш усули ғоясига асосланиб (13) дифференциал айирмали масаланинг иккинчи тенгламаси учун чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда умумий ечимини юқоридаги каби ёзиш мумкин.

Бу олинган дискрет моделни компьютерда амалга ошириш унча қийинчилик туғдирмайди. Уни қуйидаги икки бочқичли кетма-кетликда амалга ошириш мумкин:


Биринчи босқич. Коши масаласи учун бошланғич шартлар масаланинг чегаравий шартларидан аниқланади; Коши масаласи бошланғич шарт билан Рунге Кутта ёки Кутта Мерсон процедураси ёрдамида x ўқининг барча йўналишларидаги нуқталарда чапдан ўнгга қараб ечилади; Коши масаласи бошланғич шарт билан Рунге Кутта ёки Кутта Мерсон процедураси ёрдамида x ўқининг барча йўналишларидаги нуқталарда ўнгдан чапга қараб ечилади; (14) формула ёрдамида ечим ноъмалум x нинг барча йўналишлари бўйича, u ўзгарувчининг барча нуқталарида босим $P_i(x)$ функцияси қийматлари ва унинг биринчи тартибли дифференциали қийматлари аниқланади, шундай қилиб, босим функциясининг вақт бўйича ярим қадамдаги нефть қатлами соҳасининг барча нуқталарида қийматлари топилади.

Иккинчи босқич. Вақт бўйича ярим қадам силжиймиз ва кейинги $l+1$ қадам учун босим функцияси қийматларини нефть соҳасининг барча нуқталарида топамиз. Бу босқич биринчи босқич каби амалга оширилади.


Коши масаласини Рунге-Кутта усулида ечиш жараёни ҳайдаш коэффициентлари ва шу усул коэффициентларига ҳар қадамда нормаллаш процедурасини қўллаш билан амалга оширилади.

Ҳар бир қадамда чап томон учун Коши масаласидаги берилган U_{i+1} векторини ҳисоблашда ўнг тамондаги U_i вектори ўрнига нормаллаштирилган \overline{U}_i ($U=(u,v,w)$) вектори қўйилади. Худди шундай чап томондан ўнг томонга қараб Коши масаласини ечишда A_{i-1} векторни ҳисоблашда ўнг томонидаги A_i вектори ўрнига нормаллаштирилган \overline{A}_i ($A=(\alpha,\beta,\gamma)$) вектори қўйилади. Дифференциал ҳайдаш усулини қўллаш фазалар орасидаги оқимларнинг узлуксизлиги ва босимнинг узилишга эга эмаслик шартларини ҳисоблаш жараёнида автоматик тарзда ҳисобга олиш имконини беради.

3 – 4 – расмларда ўтказувчанлик коэффициенти қийматлари катта фарк билан берилганда, яъни катта фарк билан ҳар хил қийматдаги нефть қатламида босимнинг тарқалиш ҳолати келтирилган. Олинган ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики ўтказувчанлик коэффициенти қиймати катта бўлган зоналарда қатламдаги босимнинг тарқалиш тезлиги ошади. Бу расмларда кудук атрофида ўтказувчанлик коэффициенти кичик бўлгани сабаб, кудук атрофида босимнинг тушуши кузатилмоқда.



3-расм. Қатламда босим ўзгаришининг 3D графиги (пастки-ён тарафдан кўриниш)



4-расм. Қатлам ва қудуқда босим ўзгаришининг кесимлардаги графиги (1080 сутка, 1-х бўйича, 2-у бўйича)


Натижаларда ўтказувчанлик коэффиценти қуйидагича олинган:

$$k(x) = \begin{cases} 0.05 & 0 \leq x \leq 0.3 \\ 0.5 & 0.3 < x < 0.7 \\ 0.05 & 0.7 \leq x \leq 1 \end{cases}$$


Марказда қудуқ жойлашган ҳисобига ва қатлам ўтказувчанлик коэффиценти қийматлари соҳа x ўқи бўйича бўлакли бир жинсли бўлмаган ҳолат учун қаралган бўлиб, кўришиб турибдики x ўқининг 0.3 ва 0.7 нуқталарида графикларда синиш кузатилмоқда. Бу шуни кўрсатадики, бу нуқталарда тенгламанинг $k(x)$ коэффиценти ўз қийматини катта фарқ билан ўзгартиради.

5 – 6 расмларда ҳисоблаш тажрибалари ўтказувчанлик коэффиценти горизонтал йўналиш бўйича 5 та турли қийматлардаги бешта зона бўлган ҳол учун бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитда босим ўзгариши турли график кўринишларда келтирилган. Бу ҳисоблаш тажрибалари натижаларини симметрик ҳолда тасвирлаш учун зоналарда ўтказувчанлик коэффиценти қийматлари қуйидагича олинган:

$$k(x) = \begin{cases} 0.3 & 0 \leq x \leq 0.25 \\ 0.07 & 0.25 < x \leq 0.36 \\ 0.7 & 0.36 \leq x \leq 0.64 \\ 0.07 & 0.64 < x \leq 0.75 \\ 0.3 & 0.75 < x \leq 1.0 \end{cases}$$



5-расм. Горизонтал бўйича бўлакли бир жинсли бўлмаган филътрация соҳасида босим ўзгаришининг ён томондан кўриниши (1080 сутка)



6-расм. Қатламда босим ўзгаришининг кесимлардаги графиги (1080 сутка, 1-х бўйича, 2-у бўйича)

Бу ўтказилган ҳисоблаш тажрибалари расмларда визуал формада тасвирланганки, қатлам ўтказувчанлик коэффициенти қийматлари x ўқи бўйича бўлакли бир жинсли бўлмаган ҳолат учун мос нуқталарда, яъни x ўқининг 0.25, 0.36, 0.5 ва мос равишда 0.64, 0.75 нуқталарда графикларда синиш кузатилмоқда. Бу шуни кўрсатмоқдаки, бу нуқталарда математик моделдаги $k(x)$ ўтказувчанлик коэффициенти қийматлари катта фарқ қилади.

Диссертациянинг «Ҳисоблаш тажрибаларини ўтказишда олинган натижаларни визуал формада тақдим этишнинг дастурий мажмуаси»

номли тўртинчи бобида филтрацион жараёни тадқиқ қилиш бўйича ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш учун дастурий мажмуани яратиш масалалари қаралган.



7-расм. Дастурий мажмуа функционал схемаси

Ғовак муҳитли қатлам ўтказувчанлик коэффиценти бўйича бўлакли бир жинсли бўлмаган филтрация соҳаси ахборот моделини умумий ҳолда қуйидагича ёзиш мумкин $I = \{ \inf_{ij} \}$. Бунда ахборот массиви элементлари қуйидагича тавсифланади $\inf_{ij} = "r_1 r_2"$.

Бу ерда разряд элементлари: r_1 -филтрация соҳаси конфигурациясини аниқлайди; r_2 -бўлакли бир жинсли бўлмаган зоналарни аниқлайди.

Ҳисоблаш тажрибалари зоналар бўйича қуйидаги ўтказувчанлик коэффицентлари қийматларида ҳам қаралган:

$$G = \begin{cases} G_1 : k = 0.05; \\ G_2 : k = 0.5; \\ G_3 : k = 0.005; \\ G_4 : k = 0.4; \\ G_5 : k = 0.05. \end{cases}$$

Худди шундай мураккаб конфигурацияли филтрация соҳаси учун ҳам ахборот массивни ташкил этиш мумкин.

Бўлакли бир жинсли бўлмаган оддий ва мураккаб формага эга бўлган нефть конлари филтрация соҳаси конфигурацияси учун ҳисоблаш жараёни сонли натижаларини 3D график, ҳамда кесимларда босим тарқалиши ва қудуқларда босим тушишини визуаллаштириб беради.

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|
| 21 | 21 | 21 | 21 | 22 | 22 | 22 | 22 | 23 | 23 | 23 | 23 | 23 | 24 | 24 | 24 | 24 | 25 | 25 | 25 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 41 | 41 | 41 | 42 | 42 | 42 | 42 | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 44 | 44 | 44 | 44 | 45 | 45 | 45 | 25 |
| 21 | 21 | 21 | 21 | 22 | 22 | 22 | 22 | 23 | 23 | 23 | 23 | 23 | 24 | 24 | 24 | 24 | 25 | 25 | 25 | 25 |

8-расм. Ўтказувчанлик коэффиценти бўйича бўлакли бир жинсли бўлмаган фильтрация соҳаси ахборот массиви

Ҳисоблаш тажрибаларининг сонли натижаларини визуал формада тақдим этиш ўз навбатида фильтрацион жараёни тасаввур этиш, нефть конлари қатламларида уларни қазиб олиш жараёнининг гидродинамик ҳолатини ўрганишда, айниқса нефть конларини лойиҳалашда, таҳлил ва башорат қилишда катта рол ўйнайди.

ХУЛОСА

Диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги асосий натижаларга эришилди:

1. Ғовак муҳитда бўлакли бир жинсли бўлмаган суств ўтказувчан қатламларга эга ўзаро динамик алоқадаги уч қатламли нефть қатламларининг тузилишини ҳисобга оладиган ностационар фильтрация жараёнларининг математик моделларини куришда фойдаланиладиган ахборот моделлари шакллантирилди. Ушбу моделлар ностационар фильтрация жараёнларининг математик моделларини куришга хизмат қилди.
2. Суств ўтказувчан қатламларга эга ўзаро динамик алоқадаги нефть конлари тизимида нефтнинг ностационар фильтрация жараёни масаласининг математик модели ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган математик модел қатламларнинг ўзаро таъсир хусусиятларини самарали ўрганишга имкон беради;

3. Динамик алоқадаги уч қатламли ғовак муҳитда нефтнинг ностационар фильтрация чегаравий масаласини сонли ечиш усуллари қўлланилди ва солиштирма таҳлил амалга оширилди. Бундан олинган натижалар асосида таклиф этилаётган усулларнинг самаралилиги текширилди;
4. Бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитли қатламда нефтнинг фильтрация масаласи икки ўлчамли математик модели асосида сонли модель ишлаб чиқилди. Бу модель кучли ўзгарувчан параметрларга эга қатламларни тадқиқ қилиш учун хизмат қилади;
5. Бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак қатламда нефтнинг фильтрация жараёнини сонли моделлаштиришда дефференциал айирмали усулдан фойдаланишнинг самаралилиги асосланди;
6. Ғовак муҳитда нефть фильтрация чегаравий масаласини ечишнинг ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган алгоритмлар классик ва мураккаб конфигурацияли қатламлар учун дастурий маҳсулот ишлаб чиқишга хизмат қилади;
7. Бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитда нефтнинг фильтрация чегаравий масалаларини ечишнинг «Нефть конлари ишлашининг асосий кўрсаткичлари бўйича ҳисоблаш тажрибаларини ўтказишнинг компьютерда визуаллаштиришни моделлаштириш» дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди. Натижада олинган натижаларни 2D ва 3D графикларди визуаллаштириш имконига эга бўлинди. Ишлаб чиқилган дастурий мажмуа нефть конлари соҳалари: тўртбурчак, айлана, эллиптик ва мураккаб конфигурацияли учун; қатлам параметрларининг ўзгармас ва ўзгарувчан ҳоли учун; кудуқлар ва дебитларининг турли қийматлари учун ҳисоб ишлари олиб бориш имконини берди.
8. Диссертация тадқиқоти доирасида ишлаб чиқилган математик моделлар, сонли усуллар, алгоритмлар ва дастурий маҳсулотлар ҳамда сонли натижалар “ГАЗЛИ” нефть-газ қазиб чиқариш бошқармасига, «Сардоба» корхонасига, Фарғона вилояти “Рақамли технологиялар маркази” унитар корхонасига жорий қилинган. Натижада конлар ишлашининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш вақти 8-10 марта камайтирилди ва ҳисоблаш натижаларидаги аниқлик 5-7 % гача ошди ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги эса 15% га ошишига эришиш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

САДИКОВ РУСТАМЖОН ТОХИРОВИЧ

**МАТЕМАТИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ
ФИЛЬТРАЦИИ ЖИДКОСТЕЙ В КУСОЧНО-НЕОДНОРОДНОЙ
ПОРИСТОЙ СРЕДЕ**

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.PhD/T2089.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммад-ал Хоразми.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Назирова Элмира Шодмоновна
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Равшанов Нормакмад
доктор технических наук, профессор

Жабборов Насриддин Мирзоодилович
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский государственный транспортный университет

Защита диссертации состоится « 17 » декабря 2021 г. в 16⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммад ал-Хоразми. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммад ал-Хоразми (регистрационный номер № 231). Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Автореферат диссертации разослан « 9 » декабря 2021 г.
(протокол рассылки № 40 « 02 » декабря 2021 г.).



Р.Х. Хамдамов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

Ф.М. Нуралиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, доцент

Ш.А. Садуллаева
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор физико-математических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Научно-практические исследования развития нефтегазовой отрасли считаются одними из самых актуальных проблем современности. Большое внимание в этой области уделяется поиску новых месторождений нефти и газа и полноценному использованию существующих месторождений, научным исследованиям по увеличению объемов добываемых нефтегазовых продуктов, математическим моделям и разработке эффективных численных алгоритмов и программного обеспечения. Кроме того, проблемам разработки математических моделей, вычислительных алгоритмов и пакетов программного обеспечения для подобных задач большое внимание уделяется в США, Канаде, Франции, Китае, ОАЭ, Иране, Российской Федерации, Украине, Казахстане, Азербайджане и в других развитых странах.

Особую популярность обретают вопросы разработки математических моделей, эффективных численных алгоритмов и программного обеспечения для решения вопросов исследования сложной фильтрации нефти и газа в неоднородных пластах в процессе разработки и добычи нефтегазовых месторождений. В настоящее время большое внимание уделяется созданию множества математических моделей, вычислительных алгоритмов и программного обеспечения для фильтрации нефти и газа в пористой среде. Это свидетельствует о том, что на сегодняшний день актуальными задачами являются анализ численных результатов, математических моделей, позволяющих исследовать и спрогнозировать сложные процессы в пористых средах многопластовых месторождений нефти и газа, а также совершенствование вычислительных алгоритмов создания компьютерных моделей, представляющих процессы визуально в двухмерной и трехмерной графике и формах анимации. Вместе с тем, целесообразными представляются научные исследования по разработке усовершенствованных моделей нестационарных процессов жидкостей в многопластовых средах с динамической взаимосвязью.

В нашей Республике уделяется большое внимание ведению научных исследований, посвященных внедрению системы поиска новых месторождений, мониторинга нефтегазовых месторождений, полноценного использования возможностей существующих месторождений, а также повышения объема добычи нефти и газа в нефтегазовой отрасли. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены такие задачи как «... увеличение сырьевых запасов нефтегазовой отрасли, определение воздействия использования нефтегазовых месторождений на геодинамические процессы, создание возможностей прогнозирования использования нефтегазовых месторождений»². При осуществлении этих задач важное значение имеют

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан».

вопросы создания эффективных алгоритмов и программных комплексов математического моделирования, проведения вычислительных экспериментов с учетом различных факторов, воздействующих на рассматриваемый процесс, на основе современных информационных технологий.

В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в сфере нефтегазовой индустрии осуществлены также ряд изменений. В частности, данное диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, предусмотренных Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 25 ноября 2020 года №746 «О совершенствовании системы мониторинга влияния добычи нефти и газа на сейсмогеодинамические процессы» и другими нормативно-правовыми документами, касающимися данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития и технологий республики IV «Развитие информатизации и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Вопросы разработки и совершенствования математических моделей процессов фильтрации жидкостей и газов, а также построения приближенно-аналитических решений и решений численными методами нашли отражение в работах таких зарубежных ученых как Х.Азиз, Э.Сеттари, N.B. Lopuh, A. Monteiro, S.Banerjee, G.I.Barenblatt, M.Chraibi, F.Boyer, C.Lapueta, S.Minjeaud, A.X.Мирзаджанзаде, М.М.Хасанов, Б.Б.Лапук, К.С.Басниев, С.Н.Закиров, Д.Ж.Ахмед-Заки, А.В.Ахметзянов, А.Никифоров, А.В.Цепаев и др.

В Республике Узбекистан в исследование математических моделей, вычислительных методов процессов фильтрации жидкостей и газов в пористых средах большой вклад внесли такие отечественные ученые как В.К.Кабулов, Ф.Б.Абуталиев, Ж.Ф.Файзуллаев Н.М.Мухидинов, Р.Садуллаев, А.Бегматов, Б.Х.Хужаёров, М.Арипов, Н.Равшанов, У.С.Назаров, Ш.Каюмов, Я.Ярбеков, А.Мирзаев, А.Неъматов, Э.Ш.Назирова и др.

Анализ научных исследований в этой сфере показал, что предельные задачи фильтрации жидкостей с переменными коэффициентами в пористой среде, процессы нестационарного функционирования нефтяных скважин со слабо проводимыми, взаимодействующими неоднородными пластами, не изучены в достаточной мере.

